



ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Избосаров Бобуржон Бахриддинович

Тошкент молия институти

"Банк иши кафедраси" доценти, PhD Email: boburbekizbosarov@gmail.com,

<https://orcid.org/0000-0002-0763-073X>

THE SPECIFICS OF THE METHODOLOGICAL AND LEGAL BASIS FOR ENSURING LIQUIDITY OF COMMERCIAL BANKS IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION

Izbosarov Boburjon Bakhiddinovich

Tashkent Institute of Finance

Associate Professor of "Department of Banking", PhD Email: boburbekizbosarov@gmail.com,

<https://orcid.org/0000-0002-0763-073X>

JEL Classification: E5, E51, E58

Аннотация.

Мақолада

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш методо-логияси ва ҳуқуқий асослари тегишили қонунлар, фармонлар, қарорлар, низомлар ва меъёрий ҳужжатлар атрофлича ўрганилган, мазкур қонунчлик ҳужжатлари халқаро ва маҳаллий банк амалиётида рўй бераётган ижтимоий-иктисодий жараёнларни ўзгариши бўйича тадқиқот амалга оширилган ва хулосалар шакллантирилган.

Глобаллашув шароитида тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш методологияси ва ҳуқуқий асосларига ва тиижорат банклари ликвидлилигини тартибга солиш бўйича тўпланган тажриба яқиндан ўрганилди ва маълумотлар базаси йигилди. Тўпланган маълумотлар асосида кузатиш ва иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантиқий ёндашув каби услуглардан самарали фойдаланилди. Мавзуга доир хорижслик ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари, адаибиётлари атрофлича ўрганилди.

Шунингдек, илмий тадқиқот давомида Марказий банк мамлакат банк тизими умумий ликвидлилигини таъминлаш ва тартибга солиш бўйича мутлоқ ваколатга эга эканлиги, глобаллашув шароитида унинг монетар сиёсати инструментлари бу масъулиятини етарли даражада бажарии имокнимиятини бермаслиги. Хусусан, тижорат банкларида қўшимча ликвид маблағларга эҳтиёж тугилганда Марказий банкдан асосий ставкада истаган тижорат банки кредит олиши имокниятига эга эмаслиги, шунингдек ҳозирги кунда дунёning ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари амалиётида деярли қўлланилмаётгани, қўлланилаётган тақдирида ҳам унга маълум даражада фоиз тўланадиган мажбурий захира меъёларидан воз кечада олмаслиги тижорат банкларининг ликвидлилига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатиши аниқланган, ҳамда мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг умумий ликвидлиликни таъминлаши ва тартибга солиши борасида бир қатор

таклифлар келтириб ўтилган. Глобаллашув шароитида тижорат банклари ликвидилигини таъминлашнинг методологик ва ҳуқуқий асосларини ўзига хос хусусиятлари, мамлакатимиз тижорат банкларининг ликвидилигини тартибга солиши бўйича тўпланган тажриба, ҳозирги кундаги амалдаги ҳолат таҳлил этилган, тижорат банкларининг ликвидилигини тартибга солиши таъсир этувчи омиллар таҳлили амалга оширилган, шунингдек, республикамиз тижорат банкларининг ликвидилигини тартибга солиши билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Abstract. In the article, the methodology and legal basis of ensuring the liquidity of commercial banks in the Republic of Uzbekistan, relevant laws, decrees, decisions, regulations and regulatory documents are studied in detail. Research was carried out on the changes of socio-economic processes taking place in international and local banking practices of these legal documents, and conclusions were drawn based on this.

In the context of globalization, the methodology and legal framework of commercial banks' liquidity provision and the accumulated experience on the regulation of commercial banks' liquidity were closely studied and a database was compiled. Based on the collected data, methods such as observation and comparison of economic analysis, systematic approach and logical approach were effectively used. Researches and literature of foreign and local scientists on the topic were thoroughly studied. Also, during the scientific research, the Central Bank has absolute authority to ensure and regulate the general liquidity of the country's banking system, and in the context of

globalization, its monetary policy instruments do not provide the opportunity to fulfill this responsibility sufficiently. In particular, in the case of the need for additional liquid funds in commercial banks, it has been determined that the Commercial Bank, which wants the central bank at the basic rate, does not have the ability to obtain a loan, and is currently practically not used in the practice of developed and developing countries of the world, cannot abandon the mandatory reserve. In connection with this situation, a number of proposals were made regarding the provision and regulation of the general liquidity of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan. The specifics of the methodological and legal basis for ensuring the liquidity of commercial banks in the context of globalization, the accumulated experience in regulating the liquidity of commercial banks of our country, the current current state of affairs are analyzed, and the analysis of factors affecting the liquidity regulation of commercial banks is carried out. Also, problems related to the regulation of liquidity of commercial banks of the Republic have been identified and scientific proposals and practical recommendations have been developed, which aimed at solving them.

Калим сўзлар. глобаллашув, тижорат банки, Марказий банк, ликвидилик, банк ликвидилиги, актив, мажбурият, депозит, риск, юқори ликвидли активлар, мажбурий захира сиёсати, валюта, очик бозор операциялари.

Key words. globalization, commercial banking, Central Bank, liquidity, bank liquidity, asset, liability, deposit, risk, highly liquid assets, mandatory reserve policy, currency, open market operations.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари ликвидилигини таъминлаш методологияси ва



хуқуқий асослари тегишли қонунлар, фармоналар, қарорлар, низомлар ва меъёрий хужжатлар билан тартибга солиниб, мазкур қонунчлик хужжатлари халқаро ва маҳаллий банк амалиётида рўй берадиган ижтимоий-иктисодий жараёнларни ўзгариши ва бозор муносабатларнинг чуқурлашуви натижасида доимий равишда такомиллашиб боради.

Глобаллашув шароитида тижорат банклари ликвидилигини таъминлаш методологияси ва ҳуқуқий асосларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, хусусан “Ўзбекистон республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Валютани тартибга солиш тўғрисида” ва “Тўлов тизими тўғрисида”ги қонунларнинг янгидан қабул килиниб, ушбу қонунларда тижорат банклари фаолияти, хусусан уларнинг ликвидилик масалалари алоҳида эътиборга олинди. Бундан ташқари, Марказий банк тижорат банкларининг ликвидилигни қўллаб-куватлаш мақсадида, уларнинг ликвидилик меъёрларига қўйилган талабларни хорижий ва маҳаллий молия ва истеъмол бозорларида юз берадиган жараёнлар асосида ўзгартириб бормоқда.

Мамлакатимиз тижорат банклари ликвидилигини бошқариш ва уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда ва тегишли самарага ҳам эришилмоқда. Бироқ, бу борада ечимини кутаётган қатор долзарб масалалар сақланиб қолмоқда. Хусусан, Таъкидлаш жоизки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида Ўзбекистонда тижорат банкларининг актив операцияларини ривожлантириш мухим масала ҳисобланади. Бунинг учун эса «давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини

якунлаш, хусусий банкларнинг улушкини 2025 йилда жами банк активларининг 60 фоизига етказиши» каби вазифалар белгилаб берилган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида банк назоратининг халқаро принциплари доирасида тижорат банклари капиталининг етарлилиги, ликвидилиги ва барқарорлиги бўйича талабларни бажариш вазифаси қўйилган [2].

Дарҳақиқат, 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда жами кредитларнинг ЯИМга нисбати сезиларли даражада ошиб, МДҲ ва даромади ўртадан пастроқ бўлган давлатлар даражасига етди. 2017–2020 йилларда Ўзбекистонда кредитлар ҳажми кескин ошиди ҳамда кредитларнинг ўсиш суръати ЯИМнинг ўсиш суръатидан юқори бўлди. 2021 йилда Ўзбекистонда жами кредитларнинг ЯИМга нисбати (44 фоиз) МДҲ давлатлари бўйича медиана кўрсаткичидан (30 фоиз) баланд бўлиб, унинг юқори даражаси сақланиб қолмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон қисқа вақт ичида жами кредитларнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичи бўйича даромади ўртадан пастроқ бўлган давлатлар бўйича медиана кўрсаткичига етиб олди [3].

Буларнинг барчаси мамлакатимиз тижорат банклари ликвидилигига бевосита ва билвосита таъсир этадиган омиллар ҳисобланниб, уни амалий ва назарий жиҳатдан самарли бошқариш нақадар долзарб ва зарур эканлигини белгилайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил учун мўлжалланган энг мухим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги маърузасида

мамлакатимиз валюта бозорига ҳам тўхталиб ўтди: “Мана, валюта бозори эркинлашганига ҳам З йилдан ошди. Шу даврда эркин валюта айирбошлиш бўйича юртимида етарли тажриба тўпланди. Энди иқтисодиётимизнинг хорижий валютага боғлиқлик даражасини босқичма-босқич камайтириш керак”. Шу мақсадда, келгуси йилда валюта кредитлари улушини ҳозирги 50 фоиздан 45 фоизга, яъни камида 2 миллиард долларга пасайтириш лозимлигини таъкидлаб ўтди [4].

Шу боис ҳам улар ўзларининг тижорат банклари фаолиятида нафақат рискларни минималлаштириш, балки ликвидиликни ҳам тартибга солиш ва унинг даражасини етарли миқдорда сақлашга муҳим эътибор қаратилиши лозим. Тижорат банкларининг молиявий бекарорлиги, бошқа томондан рискли активлари (кредитлар, инвестициялар, воситачилик операциялари) ҳажмини ошириш орқали иқтисодиётни молиялаштириш каби масалалар илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этишни талаб этади.

Адабиётлар таҳлили. “Глобаллашув” тушунчаси илк бора америкалик олимлар томонидан киритилган. Т.Левит “Бозорларнинг глобаллашуви” номли мақоласида глобаллашувни илгарилари тассаввур қилиб бўлмайдиган даражада кўп кўрсаткичларга эга бўлган истеъмол товарлари стандартлашиши учун глобал бозорлар пайдо бўлиши билан боғлиқ янги тижорат воқелиги деб атаган [5].

Калифорния университети профессори М.Кастельс глобаллашув жараёнини “янги капиталистик иқтисодиёт” деб атаб, унда ахборот, билим ва ахборот технологиялари ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлик ўсишининг асосий манбай эканлигини таъкидлайди [6].

Е.Жарковская таҳрири оситда нашр этилган адабиётда “ликвидлик – бу банкнинг ўз вақтида, тўлиқ ва минимал харажатлар эвазига мажбуриятини бажаришдир”[7], –деб таъриф берилган, биз муаллифнинг ўз вақтида ва тўлиқ деган фикрига қўшиламиз, чунки банк мижознинг талаби бўйича пул маблағлари ўtkазиш ёки нақд пулга бўлган талабини у талаб қилган пайт, яъни шу куни бажариши жуда муҳим ҳисобланади. Банк буни бир соат, икки соат ёки 1-2 кунга кечкириб бажариши мумкин кечикириб ташкил қолганлигини англаради.

Профессор О.И.Лаврушин: “Банк ликвидлиги – унинг ўз вақтида ва кам сарфлар хисобига омонатчилар, кредиторлар ва бошқа мижозлар олдидаги мажбуриятини адо этишидир”[8]. Бу таърифда эътиборли жиҳати, биз юкорида таъкидлаган “тўлиқ” деган ибора ишлатилмаган, шу жиҳатдан, бизнинг фикримизча банклар мижозлар олдидаги мажбуриятини тўлиқ бажарилиши муҳим ҳисобланади.

Профессор А.Тавасиев: “Банк ликвидлиги – таҳлил жараёнида банк мижозлар ва турли контрагентлар олдида мажбуриятларини бажариш имконияти ва истагининг мавжудлигига намоён бўлади”[9]. Бизнинг фикримизча, ушбу таъриф бошқаларига нисбатан банкнинг ликвидилик ҳолатини очиб беришга хизмат қила олмайди, чунки “таҳлил жараёнида”, “имконияти ва истагининг мавжуд бўлиши” каби иборалар бу ерда ортиқча қўлланилган бўлиб, банк ликвидли бўлиши учун мажбуриятни тузлиқ ва талаб қилинган пайтда бажариши муҳим ҳисобланади. Банкнинг имконияти ва истагининг бор ёки йўқлиги мижоз ўз пулини талаб қилганда инобатга олинмайди, агар бажармаса у ликвидсизлик дея баҳоланиб,



мижозларнинг банкка бўлган ишончи пасаяди, охир оқибат йўқолади, бунинг тавсилотлари эса бутун банк тизимиға салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари, хусусан профессор Ш.Абдуллаева, ва профессор А.Омонов, и.ф.д. О.Саттаров, и.ф.д. А.Абдуллаев ва бошқа иқтисодчи олимлар хам банкларнинг ливидлилиги бўйича ўз муносабатлари ва нуқтаи назарларини билдирган, бироқ уларнинг барчасида банкларнин ликвидилиги айнан рақамли иқтисодиёт шароитида қандай бўлиши масаласи асосий обьект сифатида қаралмаган.

Масалан Ш.Абдуллаева: “Ликвидлик атамаси сотиш, активларни пул маблағларига айлантиришнинг амалга оширилишини, яъни банкнинг Марказий банк ёки вакил банклардаги накд пул маблағларидан оқилона фойдаланиш, ликвид активларини сотиш имконияти ва ҳ.к. ларни англатади.”[10], деб таъриф берган бўлса, А.Омонов ликвидликка: “Ликвидлик – бу банкнинг мижозлардан кутилган ва кутилмаган ҳолатларда молиявий ресурсларга бўлган талабни қондириш қобилиятидир”[11], -дея таъкидлайди.

Берилган таърифлардан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимлар банкларнинг тўлов қобилияти ва ликвидлилиги каби тушунчаларни эътироф этган ҳолда, уларга ўз ёндошувларини ифода этмоқда, бироқ, ушбу тушунчалар мазмун жиҳатидан бирбиридан жиддий фарқ қилмайди.

Материал ва метод. Глобаллашув шароитида республикамиз тијорат банкларини ликвидлилигини тартибга солиш бўйича кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Глобаллашув шароитида тијорат банклари ликвидлилигини таъминлаш методологияси ва хуқукий

асосларига ва тијорат банклари ликвидлилигини тартибга солиш бўйича тўпланган тажриба яқиндан ўрганилди ва маълумотлар базаси йиғилди. Тўпланган маълумотлар асосида кузатиш ва иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимили ёндашув ҳамда мантикий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

Натижалар. Тијорат банклари ликвидлилигини таъминлашда юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини банкларда сақлаши муҳим ҳисобланиб, айнан шу маблағлар банкларнинг молиявий ресурс манбаси сифатида хизмат қилади. Шу жиҳатдан ушбу маблағларнинг кафолати тегишли ҳужжатлар асосида таъминланади. Хусусан, Ўзбекистон республикаси конституциясида мазкур масалага алоҳида эътибор берилган бўлиб, ушбу ҳужжатнинг IX боби “Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар” номли бўлимининг 36-моддасида: “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлилиги ва банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши белгилаб қўйилган” [12].

Конституцияга мазкур модданинг киритилиши жуда муҳим ҳисобланиб, жисмоний шахсларнинг тијорат банкларидаги омонот сифатида сақладиган пул маблағларининг давлат томонидан кафолатланиши тијорат банкларига қўйиладиган депозитларнинг ҳажмини ошишига ва уларнинг ликвидлилигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Тијорат банклари мулкий жиҳатлан давлат, хусусий ёки акциядорлик шаклида ташкил этилиши мумкин, конституция асосида жисмоний шахсларнинг тијорат банкларига қўйган пул маблағлари юқоридаги келтирилган тартибда кафолатланиши, нафақат тијорат банкларининг ликвидлилигини



таъминлашга балки, уларнинг фаолиятига нисбатан аҳолининг ишончини ортишига ҳам хизмат қилади, ҳамда банкларнинг молиявий ресурсларга бўлган талабини қондириш имокниятини беради.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари ликвидилигини таъминлаш методологияси ишлаб чиқиш, унга бўлган талабларни белгилаш ва хуқуқий асосларини яратиш каби масалалар Марказий банкка бириктирилган бўлиб, бу ҳақда ҳам конституциянинг 124-моддасида аниқ қилиб “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини республика Марказий банки бошқариши” белгилаб қўйилган. Бунга кўра Марказий банк тижорат банкларини қўшимча ликвид маблағлар билан таъминлаш ёки ортиқча ликвид маблағларни сўриб олиши “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки” тўғрисидаги қонуннинг 20-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра Марказий банк бошқаруви: “пул-кредит сиёсатининг асосий параметрларини, шу жумладан ликвид маблағларни бериш ва олиб қўйиш бўйича Марказий банк операцияларининг ҳажмлари, лимитлари ва нормативларини, Марказий банкнинг пул-кредит операциялари бўйича фоиз ставкаларини, шу жумладан қайта молиялаштириш ставкасини ва (ёки) асосий ставкани, мажбурий захира талабларининг миқдорларини (мажбурий захиралар нормативларини, мажбурий захираларни ўртачалаш коэффициентини) ва бериладиган кредитларга доир таъминот турларининг рўйхатини белгилаши” қайд этилган.

Бунинг молиявий, иқтисодий-сиёсий аҳамиятига эътибор берадиган бўлсак, бу макроиқтисодий даражадаги масала бўлиб, барча турдаги, яъни турли мулк шаклида ташкил этилган тижорат

банкларининг асосий мақсади фойдани оширишга қаратилган бўлади. Бу алабатта, уларнинг фаолиятида банкнинг ликвидилигини таъминлаш ва мижозлар олдиғаги мажбуриятни бажариш вазифасини иккинчи, ҳатто учинчи даражага чиқариб юбориши мумкин. Бу ўз навбатида, мамлакатда тўлов тизимининг барқарорлиги, миллий валютанинг тўлов қобилияти, аҳолининг банк тизимиға ишончи, монетар сиёсатнинг самарадорлиги ва қатор бошқа масалаларга бевосита таъсири келтириб чиқаради. Шу боис ҳам Ўзбекистонда тижорат банклари ликвидилигини таъминлашга қўйилган меъёрий мезонлар, уларнинг бажарилишини назорати каби қатор масалаларни Марказий банк амалга оширади.

Шу вазифалардан келиб чиқиб, тижорат банкларининг ликвидилигини таъминланиши ва унга қўйилган мезонларнинг бажарилишини назорат қилиш хуқуқи “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонунида белгилаб қўйилган. Мазкур Қонун 2019-йил 11-ноябрда янги таҳрирда қабул қилинган бўлиб, унинг 2-боби, 11 моддасида Марказий банкнинг ваколатлари сифатида: “ўзи белгилайдиган тартибда ва шартларда банкларга қисқа муддатли кредитлар, шунингдек ликвидиликни тезкор суръатда қўллаб-қувватлаш учун кредитлар бериши” белгилаб қўйилган.

Бундан кўринадики, Марказий банк тижорат банкларининг ликвидилигни таъминлашдан, уларнинг мижозлар олдиғаги мажбуриятларини бажаришда манфаатдор бўлиб, бунинг асосий сабаблари юқорида келтириб ўтилди. Марказий банк тижорат банкларининг ликвидилигини узоқ муддатли ва қисқа муддатли давр давомида таъминлашнинг қатор усуслари



мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуидагилардан иборат:

-тижорат банкларига қайта молиялаштириш (асосий) ставкаси асосида кредит бериш (узоқ муддатли);

-тижорат банклари жалб қилинган маблағларига нисбатан ўртнатилган мажбурий захира талаблари (узоқ муддатли);

-банклараро пул бозори орқали қисқа муддатли пул маблағларини таклиф этиш (қисқа муддатли);

-репо операциялари (қисқа муддатли);

-ва бошқа пул операциялари.

Марказий банк юқорида қайд этилган операциялар ёрдамида тижорат банклари ликвидлилигини таъминлашга пул маблағларини таклиф этади, шунингдек тижорат банкларида ортиқча ликвид маблағлар вужудга келганда тегишли таклифлар асосида улардан сўриб олади. Хусусан, Марказий банк монетар инструмент ҳисобланган очик бозорда операциялари орқали облигацияларни тижорат банкларига сотиш орқали ёки депозитга жалб қилиш асосида ҳам ушбу мақсадни амалга оширади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Марказий банкнинг облигациялари юқори ликвидли қимматли қоғозлар гурухига кириб, улар бўйича олинган даромадлар борасида уни сотиб олган шахслар даромад солиқларидан ҳам озод қилинган.

Таҳлиллар ва тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг муҳим монетар инструментларидан ҳисобланган асосий ставка ва мажбурий захира меъёрлари деярли ўзининг амалий аҳамиятини йўқотган, яъни монетар сиёсатининг ушбу инструментлари тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш, ошириш ёки

уни сўриб олиш жараёнига деярли таъсир қилмайди.

Марказий банк тижорат банклари қисқа муддатли ликвид маблағларга эҳтиёж сезганда уларга пул бозоридаги операциялари орқали пул маблағларини таклиф этади. Марказий банкнинг ушбу операциялари унинг "Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низоми асосида тартибга солиб борилади[13].

Марказий банк тижорат банкларининг ликвид маблағларга бўлган талабини мазкур низом доирасида амалга оширилишини Тошкент валюта биржасига юклаган бўлиб, ушбу ташкилот қийидаги ишларни амалга оширади:

– банклараро пул бозорида биржа савдоларини ташкил этади ва ўтказади;

– савдо иштирокчиларига савдо тизими дастурий таъминотини тақдим этади ва уларнинг техник созлигини таъминлайди;

– банклараро пул бозори индикаторларини шакллантиради;

– пул бозоридаги операцияларга оид маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлайди;

– савдо иштирокчиларини савдоларни ўтказиш жойи, вақти ва савдо якунлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қиласида:

Тижорат банклари ликвид маблағларни, яъни пул маблағларини жойлаштириш ва/ ёки жалб этиш бўйича Тошкент валюта биржасига буюртма беради, бу дастлабки буюртма деб юритилади. Дастлабки буюртмада қуйидаги кўрсаткичлар кўрсатилиши лозим:

– пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш;

– жалб этиладиган ёки

- жойлаштириладиган валюта тури;
- жалб этиладиган ёки жойлаштириладиган пул маблағлари миқдори;
 - пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш муддати;
 - пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш бўйича фоиз ставкаси;
 - фоиз тўловларини тўлаш муддати[13].

Валюта биржаси савдо иштирокчилари томонидан савдо тизими орқали амалга оширилган операцияларнинг фоиз ставкалари асосида пул бозори индикаторларини шакллантиради. Индикаторлар пул бозорида амалга оширилган операцияларнинг ставкалари асосида қўйидаги белгиланган стандарт муддатлар кесимида ҳисобланади:

- 1 кунлик;
- 2 кундан 7 кунгacha;
- 8 кундан 30 кунгacha;
- 31 кундан 90 кунгacha;
- 91 кундан 180 кунгacha;
- 181 кундан 1 йилгacha [13].

Индикаторларни ҳисоблашда пул бозоридаги операциялар жойлаштирилган муддатларга кўра тегишли белгиланган стандарт муддатлар оралиқларига киритилади.

Юқорида қайд этилган вазифалар, яъни Марказий банк бозор фоиз ставкалари даражасига таъсир кўрсатиш, шунингдек банк тизимининг ликвидилигини ушлаб туриш ва тартибга солиши мақсадларида пул бозорида ликвидиликни тақдим этиш ва олиб қўйиши бўйича операцияларни амалга оширади. Мазкур операциялар:

- таъминот остидаги кредитларни;
- «своп» операцияларини;
- очиқ бозордаги операцияларни;
- қайта молиялаштиришнинг маҳсус механизмларини;

- депозит операцияларини;
- Марказий банк облигацияларининг эмиссиясини ўз ичига олади [14].

Марказий банк тижорат банклари ликвидилигини қўллаб-куватлаш бўйича бевосита масъул эканлигини юқорида қайд этгандик, тижорат банкларида шундай ҳолатлар ҳам бўладики улар фавкулотда ҳолатларда кўшимча маблағларга кучли эҳтиёж сезади, шундай ҳолатда Марказий банк “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг 33-моддасига асосан тижорат банкларининг ликвидиликни сақлаб туриш учун тижорат банкларига уч ойгача бўлган муддатга қисқа муддатли кредитлар тарзида тезкор ёрдам беришга ҳақли. Мазкур кредитлар бўйича фоиз ставкаси Марказий банкнинг бошқа кредитларига доир амалдаги ставкалардан кам бўлмаслиги ва у банкнинг активлари билан таъминланган бўлиши керак. Мамлакатнинг молиявий тизими барқарорлигига таҳдид туғилган алоҳида ҳолларда Марказий банк бошқарувининг қарори билан кредитни нисбатан юқори фоиз ставкаси билан узоқроқ муддатга бериши ҳам мумкин[14].

Юқорида тижорат банклари ликвидилигини таъминлаш, уларнинг ортиқча ликвид маблағларини сўндириш жараёнлари бўйича Марказий банкнинг хуқук ва мажбуриятлари билан аторофлича таҳдил қилдик ва тегишли ишланмаларни шакллантиридик.

Шуни таъкидлаш жоизки, тижорат банклари ликвидилик бўйича Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли қарорига асосан “Тижорат банкларининг ликвидилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомида қўйилган талабларни кўриб чиқишдан олдин, тижорат банклари ликвидилик бўйича

"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 38-моддасида банклар ва банк гурухлари томонидан Марказий банкнинг пруденциал нормативларга риоя этиш белгилаб қўйилганлигига қисқача тўхтalamиз. Унга кўра тижорат банклари "молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар ва банк гурухлари ҳисоблаб чиқариш тартиби ва йўл қўйиладиган қийматлари Марказий банк томонидан белгиланадиган пруденциал нормативларга риоя этиши шарт" деб белгилаб қўйилган [15]. Қонуннинг 38-моддасида талаб этилаётган пруденциал нормативлар куйидагиларни ўз ичига олади:

- капиталнинг монандлик коэффициентлари;
- бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гурухига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдори;
- йирик кредит таваккалчиликларининг ва инвестицияларнинг энг кўп миқдори;
- соҳалар кесимида тўпланиш (концентрация) коэффициентлари;
- ликвидлик коэффициентлари;
- банкнинг алоқадор шахслари учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори;
- таъминотсиз кредитлар (ишончга асосланган кредитлар) беришнинг энг кўп миқдори;
- банкнинг активларини таснифлашга ва уларнинг сифатини баҳолашга, банк активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни активларни таснифлаш асосида шакллантиришга доир талаблар;
- банк активлари бўйича фоизларни ҳисоблаш ва уларни банкнинг даромадлар ҳисоб-варағига киритишга доир талаблар;

-юридик шахсларнинг устав фондларида (устав капиталларида) сотиб олинадиган улушлар ва акцияларнинг энг кўп миқдори;

-кўчмас мулкни ва бошқа мол-мulkни сотиб олишга ҳамда унга эгалик қилишга доир талаблар;

-очиқ валюта мавқеи лимитлари;

-умумқабул қилинган халқаро амалиётга мувофиқ Марказий банк томонидан белгиланадиган бошқа пруденциал нормативлар [15].

Юқорида келтирилган пруденциал нормативларнинг ҳар бири у ёки бу жиҳатдан тижорат банкларининг ликвидилигини таъминлашга бевосита ва билвосита таъсир қилиб, Марказий банк уларнинг меъёрлари ва мезонлари бўйича тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Тижорат банклари томонидан пруденциал нормативлар бўйича тижорат банклари ликвидлилик коэффициентларини бажармаслиги қўпол қоидабузарлик сифатида баҳоланади ва Марказий банк бу жараён бўйича тегишли чораларни қўриши мумкин.

Марказий банкнинг тижорат банклари ликвидлилигига қўйилган пруденциал нормативлари "Тижорат банкларининг ликвидилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги низомда белгилаб қўйилган. Низомга кўра тижорат банклари активлари таркибидаги моддалар ликвидли ва юқори ликвидли активларга гурухланади.

Дунё иқтисодиётининг глобаллашув шароитида тижорат банклари ликвидли активлари моддалари таркибини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, низомнинг ликвидли активлари таркибига кирувчи актив моддаларни кўрадиган бўлсак, юқори

ликвидли активлар таркибига тижорат банкларининг “нақд пуллари” ва “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қимматли қоғозлари”ни киритмаганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Бизнинг назаримизда, глобаллашув шароитида мазкур актив моддаларни тижорат банклари юқори ликвидли активлари сифатида эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Шу билан таъкидлаш мумкинки, низомда ликвидли актив сифатида келтирилаётган “таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар ҳукуматларининг қимматли қоғозлари” деганда айнан қандай мамлакатларнинг қандай турдаги қимматли қоғозлари киришига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу моддада қимматли қоғозлар деганда айнан қандай мулкчилик шакллари томонидан муомалага эмиссия қилинган қимматли қоғозлар назарда тутилаётганини ҳам аниқ эмас, агар назарда тутилаётган мамлакатларнинг барча турдаги қимматли қоғозлари киритилаётган бўлса, албатта бу фикрга биз қўшила олмаймиз. Бундан ташқари, таваккалчилик даражаси паст деганда айнан қандай кўрсаткичлар асосида ушбу меъёр аниқланиши ҳам кўпчиликка маълум эмас. Айниқса, халқаро ва маҳаллий молия ва истеъмол бозорларида баҳоларнинг кескин тебраниб туриши шароитида мазкур меъёрлар, яъни мамлакатларни таваккалчилик даражасини аниқлашга қўйилган меъёрлар тез-тез ўзгариб туриши табиий ҳолатdir.

Марказий банкнинг тижорат банклари ликвидлигини бошқариш бўйича мазкур низомда қатор талаблар ўрнатилган бўлиб, улар қуидагилардан иборатdir:

—банк ва унинг атрофидаги

муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ва аниқ ифодаланган ликвидлиликни бошқариш сиёсатининг мавжудлиги;

—банкнинг тегишли бўлинмаларини ўзаро мувофиқлаштирилганлиги;

—ликвидлилик ҳолати мониторингини амалга ошириш вазифалари юқлатилган таркибий бўлинманинг мавжудлиги;

—маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда банкнинг актив ва пассив ҳолатларини таҳлил қилиш учун ахборот тизимининг мавжудлиги [16].

Тижорат банклари Марказий банкнинг Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомига асоса ҳар бир молиявий ҳисбот йилининг 1 февралига банк Кенгаши томонидан тасдиқланши белгилаб қўйилган.

Мунозара. Ўрганишлар ва таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда тижорат банклари ҳар йили депозит сиёсатини ишлаб чиқади, тасдиқлади ва Марказий банкка тақдим этади, бироқ кўпчилик ҳолатда улар ушбу сиёсатининг амал қилишига етарли даражада эътибор беришмайди. Бунга ёрқин мисол сифатида, мамлакатимиз банк тизимида кейинги йилларда Марказий банк пруденциал нормативларини бажаришга хизмат қилганини ҳамда амалий жиҳатдан банклар мижозларнинг мажбуриятларини бажаришда валюталар тақчиллиги, вакиллик ҳисоб-варакларида маблағлар тақчиллиги каби муаммоларга дуч келганин кўрсата оламиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари ҳисбот даврининг биринчи санасига лаҳзалик ликвидлик, жорий ликвидлилик ва соф барқарор молиялаштириш меъёрига қўйилган

талабларни бажарсада, ойнинг бошқа саналарида, айниқса мамлакатнинг вилоят худудларида жойлашган тижорат банклари вакиллик ҳисоб варақаларида ва нақд пул билан таъминлаш масалаларида зиддиятли ҳолатларга тушиб қолади.

Глобаллашув шароитида тижорат банклари ликвидилигини бошқаришга кўйилган стратегия ҳам ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, тижорат банклари кўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадида депозитларнинг ҳар хил турлари ва муддатларини таклиф этмоқда, мижозларга нақд пулларни бериш ва вакиллик ҳисоб-варақларини мувозанатлашган бошқариш усулларини жорий этмоқда. Бироқ, Марказий банкнинг тижорат банклари ликвидилигини бошқариш стратегияси бўйича кўйган талабларига эътибор

берадиган бўлсак, улар кейинги йилларда деярли ўзшаришсиз қолмоқда.

Марказий банкнинг тижорат банклари ликвидилигини бошқариш стратегиясида “Баланснинг актив қисмида ликвидлиликни бошқариш учун Давлат қисқа муддатли облигациялари ёки захираларнинг ортиқча миқдорини ёхуд қисқа муддатли кўйилмалари каби бошқа ликвидли активларни харид қилиш ёки сотиш усуллари билан амалга оширилиши” белгилаб кўйилган [16].

Бироқ, тижорат банклари ликвидлиликни бошқаришда ушбу молиявий инструментлардан фойдаланиш имкониятлари жуда чекланган бўлиб, буни уларнинг молиявий ҳисобтларида ҳам кузатиш мумкин. Куйидаги жавдалда банк тизими юқори ликвидли активлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

1-жадвал

**Тижорат банкларининг 2019-2023 йилларда жами активлари таркиби [17].
(Январь ҳолатига, улуши жамига нисбатан фоизда)**

	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Нақд пуллар	2,7	2,4	2,7	2,4
Марказий банкдаги маблағлар	5,1	5,4	5,1	7,1
Инвестициялар	2,6	1,2	2,6	4,4
Кредит кўйилмалари, соф	73,8	76,1	73,8	71,1

Жадвал маълумотларидан кузатиш мумкини, Ўзбекистон тижорат банклари жами активлари таркибида инвестицияларнинг улуши 2019 йил 1 январь ҳолатига 2,6 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2022 йил 1 январь ҳолатига 4,4 фоизга етган ёки таҳлил этилаётган давр давомида 2,0 пунктга ортган. Ушбу кўрсаткични хорижий мамлакатларнинг тижорат банклари балансининг активлари таркибида Хитой давлат тижорат банкларида 18-21 фоизни [18], Россия Сбербанкида эса бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади [19].

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари актив моддалари таркибида инвестициялар ҳажмини оширишга қатор омиллар таъсир қиласи. Хусусан, мамлакатда бозор механизмлари, қоидалари ва тамойилларини етарли даражада жорий этилганлиги, тижорат банклари капитали таркибида давлат ва хусусий шахсларнинг улушкини даражаси каби қатор масалалар шулар жумласидандир. Масалан, глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётда коррупция ва хуфёна иқтисодиёт даражасининг юқорилиги, тижорат



банклари капитали таркибида давлат улушининг 85 фоиздан юқорилиги мазкур муаммоларни ечимини топишга тўсқинлик қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув шароитида тижорат банклари ликвидлилигини таъминлашнинг методологик ва ҳуқукий асосларини ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратишни, зарур холларда тижорат банкларини ликвид маблағлар билан таъминлаш ёки сўндириш каби амалий чораларни қўллаш орқали банк тизими молиявий барқарорлиги ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш лозим бўлади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, - Ўзбекистонда тижорат банклари ликвидлилигини таъминлашнинг методологик ва ҳуқукий асослари яратилган бўлишига қарамасадан, улар глобаллашув шароитида доимий равища такомиллаштириб боришин талаб этади;

-Марказий банк мамлакат банк тизими умумий ликвидлилигини таъминлаш ва тартибга солиш бўйича мутлоқ ваколатга эга бўлиб, глобаллашув шароитида унинг монетар сиёсати инструментлари бу масъулиятини етарли даражада бажариш имокниятини бермаяпти. Хусусан, тижорат банкларида кўшимча ликвид маблағларга эҳтиёж туғилганда Марказий банкдан асосий ставкада истаган тижорат банки кредит олиш имокниятига эга эмас, шунингдек ҳозирги кунда дунёning ривожланган ва ривожаланаётган мамлакатлари амалиётида деярли қўлланилмаётган, қўлланилаётган тақдирда ҳам унга маълум даражада фоиз тўланадиган мажбурий захира меъёрларидан воз кечада олмаяпти, бу албатта тижорат

банкларининг ликвидлилига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатмоқда;

-Марказий банк иқтисодиётининг глобаллашув шароитидаги вазиятдан келиб чиқсан ҳолда тижорат банклари юқори ликвидли активлар таркибига тижорат банкларининг “нақд пуллари” ва “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қимматли қоғозлари”ни киритиши мақсадга мувофиқ;

-тижорат банклари ҳисобот даврининг биринчи санасига лаҳзалик ликвидлик, жорий ликвидлилик ва соғ барқарор молиялаштириш меъёрига қўйилган талабларни бажарилсада, ойнинг бошқа саналарида, айниқса мамлакатнинг вилоят худудларида жойлашган тижорат банклари вакиллик ҳисоб-варақаларида ва нақд пул билан таъминлаш масалаларида ҳамон муаммоли ҳолатларни кузатиш мумкин;

- тижорат банклари актив моддалари таркибида инвестициялар ҳажмини халқаро банк амалиётидаги даражага етказишга алоҳида эътибор қаратиш орқали, уларнинг ликвидлиликни бошқариш бўйича самарали тезкор карорларни амалга ошириш имкониятини берувчи молиявий инструментлардан кенгроқ фойдаланиш зарур;

- мамлакатда бозор муносабатларини (механизмлари, қоидалари, тамойиллари) кенгроқ жорий этиш, миллий иқтисодиёт ва молия бозорлари шаффофлигини ошириш ҳамда тижорат банклари капитали таркибида давлат улушкини сезиларли даражада камайтириш тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш ва мустаҳкамлигини оширишга ижобий таъсир қиласади.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. Норматив-хукуқий ҳужжатлар расмий эълон қилиш бўлими. www.lex.uz
3. Молиявий барқарорлик шархи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан йилига икки марта чоп этилади. 2022 йил I ярим йиллик. www.cbu.uz
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
5. T.Levit The Globalization of Markets, Harvard Business Review (HBR) 1983 (pages 289-297)
6. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура: монография/ М.Кастельс— М.: ГУ ВШЭ, 2000.- 608с.
7. Жарковская Е.П. Банковские дела. Учебник.-М.: 2006, Стр. 345-346.
8. Банковское дело. Учебник. Под редакции О.И.Лаврушин, -М.:, 2005. Стр. - 260.
9. Банковское дело: Управление и технологии. Учебное пособие для вузов. Под редакции А.Тавасиева. –М.:, 2001. Стр. – 388.
10. Абдуллаева Ш. Пул ва банклар. –Т.; 2010.
11. Омонов А.А Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Монография. “Фан ва технологиялари”, 43 бет.
12. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда.
13. Марказий банкнинг “Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низоми. (Адлия вазирлигига 2018 йил 12 майда 3010-сон билан рўйхатга олинган)
14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги қонуннинг “Пул бозорида ликвидлиликни тақдим этиш ва олиб қўйишга доир операциялар” ҳақидаги 31-моддаси.
15. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонуннинг “Банклар ва банк гурухлари томонидан пруденциал нормативларга риоя этиш” тўғрисидаги 38-моддаси.
16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низоми.
17. Ўзбекистон Марказий банки статистик бюлетини маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
18. www.knoema.com сайтининг маълумотлари асосида муаллифнинг



ишлиланмалари.

19. www.sberbank.ru/common/img/uploaded/files/info/ifrs2018/_sberbank_ifrs-ye2018-rus_.pdf.